ЮБИЛЕЙ ЙИЛИНИ ЗАРБДОРЧАСИГА ЯКУНЛАЙЛИК

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 256 (6117).

30 ДЕКАБРЬ

ЖУМА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР—ОММАГА

Янгийўл районидаги Новомихайловка луб заводи ва «Ленинизм» колхози коллективлари москвалик ташаббускорлар изидан борио, беш йилликнинг уч йиллик планини СССРнинг янги Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллиги кунигача бажаришга аҳд қилдилар.

Завод аҳли юбилей йилида ҳам самарали меҳнат қилиб, пландан ташқари 500 минг сўмликдан знёд маҳсулот ишлаб чиқарди. Йиллик план муддатидан уч ой илгари адо этилди. Корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, 1978 йил 7 октябрягача ўнинчи беш йилликнинг уч йиллик планини адо этиш ва планга қўшимча 700 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишга сўз бердилар.

«Ленинизм» колхози аъзолари бу йил ҳар гектар ердан 38,8 центнердан «ок олтин» хирмони кўтариб, она-Ватанга 4438 тонна пахта топширдилар. Шунингдек, дон, узум, пилла, гўшт, тухум топшириш планлари ҳам ортиғи билан бажарилди. Хўжалик деҳқонлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, келаси йилда яна ҳам унумли ишлашга аҳд қилдилар.

Район партия комитети Новомихайловка луб заводи ишчилари ва инженер-техник ходимлари ҳамда «Ленинизм» колхози аъзоларининг беш йилликнинг уч йиллик планини СССР янги Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллиги кунигача бажариш юзасидан бошлаган ташаббусларини маъқуллади. Саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, колхоз ва совхозлар бошланғич партия ташкилотлари зиммасига қимматли ташаббусни қўллаб-қувватлаш ва кенг ёйиш топширилди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Республикада енгил атлетиканинг аҳволи ва уни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди.

Қабул қилинган қарорда айтилдики, партия, совет, касаба союз органлари, комсомол, физкультура ва бошқа жамоат ташкилотлари КПСС XXV съезди қарорларига амал қилиб, енгил атлетикани ривожлантириш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш, спортчиларнинг маҳорат даражасини ошириш соҳасида муайян иш қилдилар.

Ҳозирги вақтда республикада қарийб 330 минг киши енгил атлетика билан мунтазам равишда шуғулланмоқда. Улар ихтиёрида 120 та стадион, 185 та оддий енгил атлетика майдончаси, усти ёпиқ менеж бор. Ўзбекистоннинг айрим енгил атлетикачи спортчилари мамлакат терма командасининг аъзолари, халқаро мусобақалар, Европа ва Совет Иттифоқи биринчилигининг ғолиблари ҳамда совриндорларидир.

Шу билан бирга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети енгил атлетикани ривожлантиришда ҳали ҳам жиддий камчилик ва нуқсонлар борлигини таъкидлаб ўтди. Республикада спортнинг бу тури билан шуғулланиш оммавий тус олгани йўқ.

Хоразм, Сурхондарё, Бухоро областларида, «Пахтакор», «Спартак», «Динамо» кўнгилли спорт жамиятларида енгил атлетика суст ривожлантирилмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитети, жойлардаги унинг органлари, кўнгилли жамиятларнинг советлари енгил атлетикани ривожлантиришга тегишли даражада эътибор бермаяптилар, ишлаб чиқариш коллективларида, ўқув юртларида, меҳнаткашларнинг истиқомат жойларида бу ишни ташкил этиш билан чуқур шуғулланмаяптилар.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги, Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги енгил атлетикани ривожлантиришга етарли эътибор бермаяптилар.

Спорт резерваларини тайёрлаш масалалари қониқарли ҳал этилмаётир. Спорт комитети, Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ва уларнинг жойлардаги органлари умумий таълим мактабларида енгил атлетика бўйича куни узайтирилган ҳамда дарсдан ташқари вақтда ўқув-машқ жараёни чуқурлаштирилган, ихтисослаштирилган синфларни очишни, болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг янги ўқув-машқ ишлари режимига ўтишини пайселга солмоқдалар, уларнинг юқори классли енгил атлетикачилар тайёрлаш соҳасидаги ишини етарли назорат қилмаётирлар.

Олий спорт маҳорати республика ва область мактабларининг ишида жиддий камчиликлар бор.

Спорт комитети, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Маориф министрлиги ва уларнинг жойлардаги органлари, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети, кўнгилли спорт жамиятлари советлари тренерлар составининг ўз иш натижалари учун масъулиятини ошириш, тегишли иш шароитларини яратиб бериш юзасидан зарур чораларни кўрмаётирлар. Тренерларнинг аксерияти кўп йиллар мобайнида юқори классли спортчиларни тайёрлаб чиқармаяптилар. Тренер кадрларни қайта тайёрлашнинг планли системасини вужудга келтириш тадбирлари кўрилгани йўқ.

Ўзбекистон Давлат физкультура институтининг тренерлар тайёрлаш, енгил атлетика бўйича халқаро ва Бутуниттифоқ мусобақаларида республика номидан муносиб қатнашишга қодир бўлган спортчиларни тарбиялаб етиштириш соҳасидаги иши ҳозирги талабларга жавоб бермайди.

Енгил атлетика машғулотлари учун моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бораси-дагги иш ҳаддан ташқари сусткашлик билан олиб борилмоқда. Сирдарё, Қашқадарё, Наманган областларида енгил атлетика бўйича машғулотлар ва мусобақалар ўтказишнинг замонавий талабларига жавоб берадиган стадионлар йўқ.

Спорт базалари ва спортчилар инвентарь, спорт буюмлари ва ускуналари билан тўла таъминланмаяпти. Республика спорт комитети спорт товарларини зарур миқдорда ва ассортиментда чиқариш юзасидан саноат корхоналарининг ишини координациялашни емелга оширмаяпти, спорт товарларини ишлаб чиқариш ва бошқа республикаларден ташиб келтириш учун савдо ташкилотларига ўз вақтида буюртмалар бермаяпти.

Область, шаҳар, район партия комитетлари, халқ депутатлари область, шаҳар, район советларининг ижроия комитетлари, министрликлар ва идоралар енгил атлетикани оммавий ривожлантиришда, болалар ва ёшлар спорт мактабларининг моддий базасини мустаҳкамлашда спорт ташкилотларига етарли ёрдам бермаётирлар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг физкультура ва спортга оид қарорларининг бажарилиши устидан суст контроллик қилмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, область, шаҳар ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари область, шаҳар ва район советларининг ижроия комитетлари, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети, республика спорт комитети, Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими Давлат комитети зиммасига қарорда таъкидлаб ўтилган мавжуд камчиликларни тугатиш ва енгил атлетикани кенг ривожлантириш, енгил атлетикачиларнинг спорт маҳоратини ошириш ҳамда уларни ўқувчиларнинг бўлажак XV Бутуниттифоқ спартакиадасида, СССР халқларининг VII спартакиадасида ва 1980 йилда Москвада бўладиган олимпиадада ўз маҳоратларини муваффакиятли намойиш қилишга тайёрлаш юзасидан сира кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни белгилаш вазифасини юклади.

Ўзбекистон ССР спорт комитетига, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советига, республика маориф министрлигига юқори классли спортчиларни тайёрлаш ва тарбиялаш мақсадида 1978 ўқув йилида республиканинг барча областларидаги бир қанча умумий таълим мактабларида енгил атлетика бўйича куни узайтирилган ихтисослаштирилган ва ўқув машқ жараёни чуқурлаштирилган синфларни очиш; енгил атлетика бўйича ихтисослаштирилган болалар ва ёшлар мактабларини юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш тадбирларини кўриш топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети, республика спорт Комитети, республика министрликлари ва идоралари, корхоналар, колхозлар, совхозлар, ўқув юртларининг раҳбарлари ва партия ташкилотлари зиммасига енгил атлетикани ривожлантирадиган физкультура коллективларини кўпайтириш юзасидан ишчиларни, қишлоқ ёшларини, студентларни спортнинг ана шу турига кенг жалб этиш тадбирларини кўриш вазифасини юклади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, «Совет Ўзбекистони», «Правда Востока» газеталарининг совринлари учун Совет Иттифоқидаги, шунингдек социалистик мамлакатлардаги етакчи спортчиларни таклиф этиб, ҳар йили енгил атлетика бўйича республика очиқ биринчилигини ўтказиб туриш зарур деб топилди.

Ўқув-машқ жараёнини яхшилаш ва областлар ҳамда республика терма командалари аъзоларининг юқори спорт натижаларига эришишлари учун республика спорт комитетига Тошкентда енгил атлетика бўйича олий спорт маҳорати мактаби очиш, Тошкент область Янгиобод шаҳрида енгил атлетика машғулотлари учун республика ўқув-машқ базасини қуриш, Фарғонада енгил атлетика бўйича олимпиада резервлари ихтисослаштирилган болалар ва ёшлар спорт мактабини барпо этиш тўғрисидаги таклифларни икки ой муддат ичида ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига тақдим қилиш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетига Ўзбекистон Давлат физкультура институтида жисмоний тарбия мутахассисларини тайёрлашни яхшилаш, институтнинг малакани ошириш факультети базасида енгил атлетика бўйича тренерларни қайта тайёрлашни ташкил этиш таклиф этилди. Мамлакатнинг марказий шаҳарларига спортнинг шу тури бўйича истиқболли тренерларни стажерлик практикасига юбориб туриш кенг практика қилинсин.

1978 йилда Ўзбекистон Давлат физкультура институти базасида енгил атлетика бўйича республика терма командаларини тайёрлашни таъминлайдиган илмий методик марказ ҳамда институт енгил атлетика кафедраси ҳузурида лаборатория барпо этишга қарор қилинди. Республика спорт комитетига ана шу мақсадлар учун «Пахтакор» марказий стадионида хизмат биноларини ажратиб беришни ҳамда илмий-лаборатория ускуналарини сотиб олиш учун зарур маблағларни ажратишни кўзда тутиш таклиф қилинди.

Қарорда областларда енгил атлетикани ривожлантириш моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш тадбирлари ҳам белгиланган, 1978—1979 йилларда Андижон, Навоий, Самарқанд, Қўқон, Чирчиқ, Термиз шаҳарларида енгил атлетика бўйича болалар ва ёшларнинг ихтисослаштирилган мактабларини очиш ҳамда бу мактаблар учун юмшоқ спорт заллари қуриш кўзда тутилган. Тегишли министрликларга, идораларга, халқ депутатлари советларининг ижроия комитетларига хўжалик ички резервлари ҳисобига, корхоналарнинг, муассасаларнинг маблағларини кооперациялаш йўли билан 1978—1979 йиллар мобайнида область марказларидаги стадионларда енгил атлетика йўлаклари ва синтетикз қопланган секторлар, ўқув-машқ ва ёрдамчи бинолар қуриш топширилди.

Ўзбекистон ССР Госпланига, Наманган область партия комитети ва ижроия комитетига Наманганда спорт комплекси қурилиши тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон ССР Министрлар Советига 1978 йилнинг биринчи кварталида тақдим этиш топширилди.

Савдо министрлигига, «Узбекбирлашув»га Ўзбекистон ССР спорт Комитети билан келишиб олинган талабномага биноан, бошқа иттифоқдош республикалардан спорт ва туристик товарларини республикага етказиб бериш тўғрисида шартномаларнинг тузилишини таъминлаш топширилди. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети билан биргаликда область марказларида ва область қарамоғидаги шаҳарларда спорт товарларини сотадиган ихтисослаштирилган магазинларнинг шохобчаларини кенгайтириш тўғрисидаги масала кераб чиқилсин ва ҳал этилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети тегишли министрликлар, корхоналар раҳбарларининг эътиборини спорт ва туристик буюмлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарорларини қониқарсиз бажарилаётганлигига қаратди.

Ўзбекистон ССР Госпланига, Енгил саноат министрлигига республикада физкультура ҳаракатининг ўсиб бораётган эҳтиёжларига биноан Енгил саноат министрлиги мавжуд фабрикаларидан бирини спорт товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон ССР Министрлар Советига бир ой муддат ичида тақдим этиш топширилди.

Ўзбекистон ССР телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитетига, республика ва область газеталарининг редакцияларига енгил атлетикани пропаганда қилишни кучайтириш таклиф этилди.

● «УЗБЕКСЕЛЬМАШ» заводи коллективи юбилей йилини меҳнатда катта зафарлар билан якунламоқда. Корхонанинг ёш ишчиларидан Ю. Иляхин ва Э. Бойназаровлар социалистик мусобақада пешқадамлар сафида бориняпти. Суратда: Ю. Иляхин (чапда) ва Э. Бойназаровлар иш устида. С. Маҳкамов фотолари.

МОСКВАЛИКЛАР ТАШАББУСИ ИЗИДАН

ЯНГИ МАРРАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

«Сафимизда қолоқлар бўлмасин» шиори остида меҳнат қилиш ташаббускори бўлган Янгийўл шаҳар меҳнаткашлари юбилей йилида самарали ишлаяпти. Барча корхоналар олинган социалистик мажбуриятлар давлат планларини бажаришяпти. Ишчи-хизматчиларнинг ҳаммаси нормасини тўла ва знёдаси билан уддаламоқда.

Шунинг учун ҳам юбилей йили учун белгиланган юксак марралар муваффақиятли эгалланмоқда. Ҳозиргача шаҳар меҳнаткашлари пландагидан ташқари 8 миллион сўмликкa яқин маҳсулот реализация қилишди. Бу йил бошида олинган мажбуриятдагидан анча ортиқдир. Янгийўлликлар мамлакатимиз ва республикамизда тугилган янги ташаббусларга ҳам чанқоқ. Бундай ватанпарварлик ҳаракатларини доим қўллаб-қувватлашади.

Улар москваликлларнинг ўнинчи беш йилликнинг уч йиллик топширигини СССР Конституциясининг бир йиллиги кунигача бажариш юзасидан бошлаган ташаббусларини қизғин маъқуллади. Бу ташаббус барча корхоналарда пухта урганиб чиқилди. Агитаторлар, снёсий ташкилотчилар, снёсий ахборотчилар бу ташаббуснинг моҳиятини тушунтириш юзасидан кенг кўламда оммавий-снёсий ишлари авж олдириб юборишди. Шунинг учун ҳам ташаббус идошлари сафи кун сайин кенгайиб бормоқда. Унга янги-янги коллективлар, ишчи-хизматчилар қўшилишяпти. Улар СССР янги Конституциясининг бир йиллигини юксак меҳнат кўрсаткичлари билан нишонлашга аҳд қилмоқдалар.

Шаҳардаги пахта тозалаш заводи, ёғ-мой комбинати, 2-босмахона ва ун заводи коллективлари бу ватанпарварлик ташаббусига биринчи бўлиб қўшилишди. Улар СССР янги Конституциясининг йиллигини уч йиллик план топшириқларини бажариш билан нишонлаш режаларини тузишди. Шаҳар партия комитети ана шу тўрт корхона коллективининг ташаббусини маъқуллади ва уни барча колективлар ўртасида кенг ёйишга қаратилган қарор қабул қилди.

Пахта тозалаш заводи шаҳарнинг пешқадам корхоналаридан ҳисобланади. Унинг меҳнатсевар коллективи юбилей йилида жуда самарали ва сифатли ишлаяпти. Зиммага олинган социалистик мажбуриятлар ва қачончалар знёдаси билан дўндириб қўйилди. Пландан ташқари юзлаб тонна пахта толаси ва момиқ ишлаб чиқарилди ҳамда тўқимачилик саноати корхоналарига юборилди. Пахта тозаловчилар қўлга киритилган бу ютуқларни янада мустаҳкамлашга астойдил бел боглашди. Шунинг учун ҳам улар ўнинчи беш йилликнинг уч йиллик топширигини барвақт бажаришга ваъда бердилар. Пландагидан ташқари фақатгина пахта толасининг ўзидан минг тонна ишлаб чиқаришмоқчи.

Ун заводи коллективи белгиланган марралар янада юксакдир. Корхона ишчи-хизматчилари икки ойдан ошиқроқ вақтдан бери келгуси йил ҳисобига ишламоқдалар. Эндиликда эса уч йиллик маҳсулот реализация қилиш топширигини узоғи билан 1978 йилнинг 7 октябрягача бажариш учун курашмоқдалар. Меҳнатсеварлар, албатта, ўз ваъдаларининг устидан чиқишади. Бунинг учун уларда барча имкониятлар бор.

Совун цехи ёғ-мой комбинатининг пешқадам ишлаб чиқариш бўлинмаси. Цех меҳнат аҳли доим мусобақа голиблари сафида бормоқда. Кўпинча корхона маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритмоқда. Илғор коллектив корхонада биринчи бўлиб москваликлар ташаббусига қўшилди. Меҳнат календарида келгуси йил бошланганига анча бўлган цех коллективининг ҳиммати юксак. Ишчилар мавжуд резервлар ва имкониятларни ишга солиш, ҳом ашё ва материалларни тежаб-тергаб сарфлаш, илғор иш усулларини ва прогрессив технологияни қўлланиш йўли билан келгуси йил планидагидан ташқари 750 тонна совун ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар.

Шаҳардаги иккинчи босмахона коллективи зиммасидаги вазифани сидқидилдан бажаряпти, фаолияти кўрсаткичлари йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Полиграфчилар уч йиллик планни муддатидан анча илгари бажаришга аҳд қилдилар. Корхонанинг ўнлаб пешқадам ишчи-хизматчилари заммаларига шахсий мажбуриятлар олишди. Муқовачи Л. Богданова СССР янги Конституциясининг бир йиллиги кунигача тўрт ярим йиллик нормасини бажаришга ваъда берди. Печатниклардан М. Утегенова, З. Исҳокова, М. Ирисбоев, ҳарф терувчи Р. Масалимовалар уч ярим йиллик нормани бажаришмоқчи.

Эксперименталь-колбаса заводида СССР янги Конституциясининг бир йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан нишонлаш учун социалистик мусобақа тобора авж олаяпти. Ишчи-хизматчилар ана шу тарихий сана муносабати билан уч йиллик топширикни барвақт бажариб, қўшимча 2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришмоқчи. Айни вақтда улар маҳсулот сифатини янада яхшилашади. Давлат Сифат белгиси билан чиқариладиган маҳсулот ялпи маҳсулотнинг 25 процентигача етказилади.

Шаҳардаги хамиртуруш-кондитер бирлашмаси, пойафзал фабрикаси ва бошқа корхоналар цехлари, бригадалари, участкалари, айрим ишчилар ҳам янги ташаббусга қўшилмоқдалар. Пойафзалчилардан 41 киши тўрт йиллик нормани СССР янги Конституциясининг бир йиллигигача бажаришга аҳд қилдилар. 178 пойафзалчи, икки участка ва бир бригада коллективлари эса бу юбилейни уч йиллик планни бажариш билан нишонлаш учун мусобақа бошладилар.

Ҳозир шаҳар бўйича мингдан ортиқ ишчи шу янги ватанпарварлик ташаббуси издошларидир. Уларнинг сафи янада кенгайиб бормоқда. Бу янгийўлликларнинг мамлакатимизда туғилган янги ташаббусга, москвалик ишчиларнинг чақириғига амалий жавобларидир.

М. МИРҲАМИДОВ.

ЧЕВАРЛАР УСТОЗИ

Рихси опа цехга кириши билан қизлар уни ўраб олишди:

— Табриклаймиз, опажон.

— Табриклаймиз. Нишонларингиз яна ҳам кўпаяверсин.

Булар Рихси опанинг ҳамкасблари, шогирдлари. У узоқ йиллик меҳнат фаолияти давомида ўнлаб қизларга дўппи тикиш маҳоратини ўргатди. Ҳозир ушанинг чин дилдан табриклаётганини, юз-кўзларидаги қувончни кўриб, ўзининг дастлабки ишга келган йилларини эслади. Ушанда у ҳам мана шу қизлардек ёшгина эди. Қунт билан изланди. Билмаганларини тортиниб-қимтиниб бўлса ҳам катталардан сўраб ўрганди. Бу касбга астойдил меҳр қўйганлиги туфайли оз фурсатда мустақил ишлашга ўтди.

Мана, ўшанга ҳам ўн беш йилдан ошибди. Умр оқар сувдек ўтиб кетаверар экан. Назарида фабрикага худди кечагина келгандек. Тажрибали чевар Қумри опа Нўлдошева Рихсихонни ўз оталигига олиб, касб ўргатган эди. Энди эса Рихси Мақсудованинг ўзи устоз.

Пойтахтимиздаги бадиий буюмлар фабрикасининг дўппи тикиш цехида Рихси Мақсудова номи ҳурмат билан тилга олинади. Наинки цехда, бутун фабрикада уни зарбдор ишчи сифатида танийдилар. Шунингдек, Рихси Мақсудованинг портрети Тошкент шаҳар меҳнат илғорларининг Ҳурмат тахтасидан ўрин олган. Булар бари унинг фидокорона меҳнатларига берилган муносиб баҳодир.

Рихси Мақсудова бошчилик қилаётган бригада коллективи юбилей йилида ҳар қачонгидан ҳам самарали ишлаяпти. Улар кунлик ва ойлик топшириқларни мунтазам ошириб бажаришмоқда. Бригадирнинг ўзи бошқаларга намуна кўрсатиб ҳар ойда планга қўшимча равишда 100 тадан дўппи тикмоқда.

Н. ФАИЗИЕВА.

СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Мамлакат газ саноатининг ходимлари газ қазиб чиқариш йиллик планини ва қўшимча топширигини муддатидан илгари бажардилар. Йил охиригача пландан ва қўшимча топширикдан ташқари 3 миллиард кубометрдан кўпроқ газ қазиб олинади. Газ қазиб чиқариш 1976 йилдагига нисбатан 25 миллиард кубометр кўпаяди.

ҚУТЛУҒ ЙИЛ БАРАКАСИ

Ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили бригадамиз аъзолари учун қутлуғ келди. Юбилей йилида сабзавот етиштириш мажбуриятини шараф билан адо этдик. Биз 47,8 гектар ерда деҳқончилик қилиб, ҳар гектар ердан ўртача 274 центнердан сабзавот ҳосили кўтардик. Пландаги 761 тонна ўрнига 977 тонна сабзавот топширилди. 83 тонна картошка етиштирдик.

Февраль ойида 1,5 гектар ерга плёнка остига олиб эртаки карам экканэдик. Давлатга ҳар бир килограмм карамни 46 тийиндан топширишга эришдик. Карам ҳосили йиғиштириб олингач, унинг ўрнига картошка экилди. Ҳосилдорлик 120 центнерга етказилди. Ҳаммаси бўлиб ана шу 1,5 гектар майдондан 26 минг 880 сўм даромад қилдик.

Ҳар қандай ютуқ ўз-ўзидан юзага келмайди, албатта. Аввало, бу йилги ҳосил заминини ўтган йили тайёрладик. Ҳосилдорликни ошириш мақсадида ерга бериладиган ўғит миқдорини ошириб бордик. Ҳар йили икки, уч мартадан ҳосил олиб бергач, ер ориқлайди. Бу ерларнинг тупроқ унумдорлигини ошириш учун минерал ҳамда маданий ўғитлар бериш лозим. Биз бу вазифаларни тўла-тўкис амалга ошириб келаётирмиз.

Бу йил ҳам плёнка остида карам етиштиришга эътиборни кучайтирамиз. Эртаки карам экиладиган майдонни янада кенгайтирамиз. Бунинг учун 6 секция кўчат экишга тайёрладик.

Бу майдонлардаги эски маҳаллий ўғитларни ташқарига олиб чиқиб, унинг ўрнига компост қилинган кучли маҳаллий ўғит солинди. Айни кунларда бу майдонларга карам уруғи сепмоқдамиз.

Бу ишларни амалга оширишда бригада аъзоларидан Собит Мамараҳимов, Ислом Усмонов, Шоғиёс Зиёдов, Насиба Ҳайтбоева, Ҳавоницa Тожибоевалар ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Ш. МАҲКАМОВ,
Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз бригада бошлиғи.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ XVI ЧАҚИРИҚ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ III СЕССИЯСИ ҚАРОРИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ОКТЯБРЬ (1977 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИ ЯКУНЛАРИ, ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ СЕССИЯДА ҚИЛГАН ДОКЛАДИ ҲАМДА НУТҚЛАРИ АСОСИДА ОБЛАСТЬ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Халқ депутатлари область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Ўртоқ С. Т. Тошқуловнинг «КПСС Марказий Комитети октябрь (1977 йил) Пленуми ва СССР Олий Советининг навбатдан ташқари еттинчи сессияси якунлари ҳамда Ўртоқ Л. И. Брежневнинг сессияда қилган доклади ва нутқлари асосида область халқ депутатлари маҳаллий Советларининг вазифалари тўғрисидаги докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, шуни таъкидлайдики, область меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1977 йил) Пленуми қарорларини, СССР Конституциясини, Л. И. Брежневнинг СССР Олий Советининг навбатдан ташқари еттинчи сессиясидаги ва Кремлдаги юбилей тантаналари мажлисидаги докладларини қизғин маъқуллайдилар.

Миллионлаб совет кишиларининг коллектив тажрибаси билан бойитилган СССР Конституцияси партиямиз, унинг Марказий Комитети ҳамда Сиёсий бюроси улкан назарий ва амалий фаолиятининг натижасидир.

Халқ депутатлари область Совети янги Конституцияни яратишда партия Марказий Комитети, Марказий Комитет Сиёсий бюроси ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг буюк, ҳар томонлама мазмунли, кўп қиррали ҳамда самарали фаолиятини юксак баҳолайди ва бу фаолиятни зўр мамнуният билан маъқуллайди.

СССР янги Конституцияси лойиҳасини муҳокама этиш область шаҳарлари ва қишлоқларида юксак ватанпарварлик ҳамда интернационализм руҳи билан ўтди. Бу муҳокама партия ва ҳукуматимиз ички ҳамда ташқи сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватлаш, меҳнаткашларнинг партия, унинг Ленинчи Марказий Комитети тевараги ва жипслашганлигини кўрсатувчи қудратли намойишга айланди. КПСС Марказий Комитети октябрь (1977 йил) Пленуми, СССР Олий Советининг навбатдан ташқари еттинчи сессияси қарорларидан илҳомланган областимиз меҳнаткашлари юбилей йилида зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқдалар. Областда саноат маҳсулотларини реализация қилиш бўйича 1977 йилнинг ўн бир ойлик плани муддатидан аввал бажарилди. Пландан ташқари 61,8 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Шу йилнинг 11 ойи ичида қурувчилар томонидан 379,4 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Меҳнаткашлар 187,5 минг квадрат метр турар-жойга эга бўлдилар.

Қишлоқ меҳнаткашлари давлатга чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотлари топшириқларини бир йиллигига қадар бажариш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирдилар.

Халқ депутатлари область Совети **қарор қилади:**

1. КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1977 йил) Пленуми, СССР Олий Советининг навбатдан ташқари еттинчи сессияси қарорларини ва область халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари янада ривожланди. Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги янада ошди.

Область меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва СССР Министрлар Советининг совет халқига мурожаатига жавобан ҳамда Ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР Олий Советининг сессиясидаги, Кремлдаги юбилей тантаналаридаги сўзлаган докладларидаги қондалар ҳамда КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумидаги нутқи асосида беш йилликнинг уч йиллик топшириқларини Конституция қабул қилинганлигининг бир йиллигига қадар бажариш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирдилар.

Халқ депутатлари область Совети **қарор қилади:**

1. КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1977 йил) Пленуми, СССР Олий Совети ва СССР Министрлар Советининг совет халқига мурожаатига жавобан ҳамда Ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР Олий Советининг сессиясидаги, Кремлдаги юбилей тантаналаридаги сўзлаган докладларидаги қондалар ҳамда КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумидаги нутқи асосида беш йилликнинг уч йиллик топшириқларини Конституция қабул қилинганлигининг бир йиллигига қадар бажариш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирилсин.

2. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг КПСС Марказий Комитети октябрь (1977 йил) Пленуми қарорларига, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида олга сурилган қондалар ва хулосаларга амал қилган ҳолда ўз фаолиятларидаги иш услуби ва методларини янада яхшиласинлар, ҳар бир ходимнинг масъулияти ҳамда ташаббускорлигини оширишга эътибор берган ҳолда бўлимлар ва бошқармаларнинг ишини яхшилашга диққатни янада кучайтирсинлар, хўжалик фаолиятининг барча бўғинларида давлат интизомига қатъий риоя этишни таъминласинлар.

3. Халқ депутатлари область, шаҳар, район, қишлоқ ва посёлка Советларининг ижроия комитетлари хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилишда ўз ҳуқуқи ва бурчларидан тўлароқ фойдалансинлар. **Бу мақсадда:**

— ҳар бир корхона томонидан маҳсулот турлари бўйича план ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини, маҳсулот сифатини янада яхшилашни, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашни мунтазам назорат остига олсинлар;

— капитал қурилишга раҳбарликни ва капитал маблағлардан фойдаланишни яхшилашга, планли объектларни ўз вақтида ишга туширишга эътибор кучайтирилсин;

— қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун изчил қураш олиб борилсин. Қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган воситалар, техникадан ва ўғитлардан унумлироқ фойдаланишга эътибор кучайтирилсин. Чорва моллари ва паррандаларнинг барча турлари бош сонини кўпайтириш ҳамда маҳсулдорлигини ошириш тадбирлари белгилансин;

— аҳолига хизмат кўрсатадиган тармоқлардаги барча корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятини янада яхшилаш, меҳнаткашларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш тадбирлари белгилансин;

— СССР Конституцияси лойиҳасини умумхалқ муҳокамаси жараёнида давлат, хўжалик ва маданий қурилишнинг конкрет участкаларида ишни яхшилаш юзасидан тушган таклифлар ва мулоҳазалар диққат билан қараб чиқилсин. Уларнинг амалга ошиши учун зарур тадбирлар белгилансин, меҳнаткашларнинг ташаббусига, уларнинг таклифлари ва талабларига эътибор билан муносабатда бўлинсин;

— Юқори партия, совет органлари ўз қарорлари ҳамда кўрсатмаларининг вақтида ҳамда сифатли бажарилиши учун ташкилотчилик ишларини кучайтиришга эътибор берилсин. Бунда ижроия комитет аппаратидаги, бўлимлар, бошқармалардаги ҳар бир ходимнинг хўжалик ташкилотлари раҳбарларининг актив иштироки таъминлансин;

Халқ депутатлари область Совети қатъий ишонч билдирадики, область халқ депутатлари Советлари ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажариш учун меҳнаткашларни жалб қилишда ўз иш услубларини ва методларини янада яхшилайдилар ва КПСС XXV съезди томонидан олға сурилган буюк вазифаларни амалга оширишга муҳим хисса қўшадилар.

Тошкент область ижроия комитети раисининг ўринбосари
С. ТОШҚУЛОВ.

Тошкент область ижроия комитетининг секретари
А. НАЗАРОВ.

1977 йил, 26 декабрь.
Тошкент шаҳри.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ XVI ЧАҚИРИҚ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ III СЕССИЯСИ ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ 1977 ЙИЛГИ ИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

Халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг 1977 йилги ишлари тўғрисидаги ҳисоботни муҳокама қилиб, область Совети шуни таъкидлайдики, область, шаҳар, район, қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетлари КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг май ва октябрь (1977 йил) Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, область партия ташкилоти раҳбарлигида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг доимий ёрдамида хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишда маълум ютуқларни қўлга киритдилар.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилиш йиллик планлари муддатидан олдин адо этилди. Йил охиригача планга қўшимча равишда 60 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинади.

Қишлоқ хўжалиги юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга 440 минг тонна пахта ҳосили топшириб, ўз зиммаларидаги юксак социалистик мажбуриятни шараф билан адо этдилар. Бу белгиланган топшириқдан 30 минг тонна кўпдир. Йиллик дон тайёрлаш плани 160,5, каноп — 101,3, сабзавот — 120,6, картошка — 103,4, полиз — 111,8, мева — 144,6 процент адо этилди.

Капитал қурилиш қўлами яна ҳам кенгайди. Ўтган ўн бир ой давомида қурилишга, реконструкция ишларига ва ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантиришга 379,4 миллион сўмлик капитал маблағ сарфланди. Ўн битта саноат корхонаси реконструкция қилинди. 31 та чорвачилик комплекси ишга туширилди. 187,5 минг квадрат метр уй-жой, 12,2 минг ўқувчи ўринли мактаб фойдаланишга топширилди, мактабгача муассасалар тармоғи 1250 ўринга кенгайди.

Область шаҳар, посёлка, ва қишлоқлари тобора ободонлашмоқда. Бу йил 50 километрлик газопровод 271,3 километрлик электр, 14,7 километрлик водопровод тармоқлари ишга туширилди, янги транспорт, коммунал магистраллари қурилди, янги автобуслар маршрутлари очилди.

Меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатиш яхшиланди. Меҳнаткашларга кўрсатилаётган маиший хизмат ҳажми 10,6 процент кенгайди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан чакана савдо оборoти 4,9 процент ошди.

Халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, социал таъминот, аҳолига маданий хизмат кўрсатиш, физкультура ва спорт ишлари янада ривожланди.

Район, шаҳар, қишлоқ, посёлка Советлари раҳбарлигида ижроия комитетларнинг ташкилий оммавий ишлари даражаси ошди, иш услублари ва методлари такомиллашди, бўлим ва бошқармалар, доимий комиссиялар ва депутатлар фаолияти яхшиланди. Қарорлар ижроси устидан назоратни такомиллаштириш, сайловчилар наказини бажариш меҳнаткашлар хат ва шикоятлари билан ишлаш юзасидан яна ҳам муҳимроқ тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга халқ депутатлари область Совети таъкидлайдики, область ижроия комитети, унинг бўлим ва бошқармалари хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилишда маълум нуқсонларга йўл қўйдилар.

Ҳисобот даврида капитал маблағларни ўзлаштириш асосий фондлар, турар-жойлар, мактаблар, медицина ва маданий муассасаларни ишга туширишда қолоқлик рўй берди. Ўтган ўн бир ой давомида 54,6 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилмай қолди. 145 минг квадрат метр турар жой фойдаланишга топширилмади. Халқ хўжалиги объектларини ўз вақтида ишга туширишда ва сифатини яхшилашда ҳали кўп ишлар қилиш керак.

Ўн бир ойлик иш якунлари бўйича областдаги олтита корхона маҳсулотни реализация қилиш планини, 24 та корхона меҳнат унумдорлиги бўйича планни бажара олмади, 46 та корхона маҳсулот таннархини қимматлаштириб юборди.

Бу йил бир қатор колхоз ва совхозлар давлатга пахта ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш юзасидан белгиланган планни бажара олмадилар.

Аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги резервлар тўла ишга солинмаяпти. Коммунал маиший хизмат кўрсатиш ҳажмини кенгайтириш, буюртмаларни ўз вақтида сифатли бажариш, хизмат маданиятини ошириш айниқса қишлоқ жойларида талабга тўла жавоб бермайди. Турар-жой, ташкилотлари, савдо, умумий овқатланиш корхоналари, соғлиқни сақлаш, маданият, ички ишлар органлари, юстиция, социал таъминот фаолиятини янада яхшилаш талаб этилади.

Советларнинг ташкилий-оммавий ишлари ҳам камчиликлардан ҳоли эмас. Айрим доимий комиссиялар Советлар ишида актив иштирок этмайдилар.

Юқори партия, давлат органлари ўз қарорларини бажаришда, меҳнаткашлар хатлари билан ишлашда ижроия комитетлари фаолияти устидан ўрнатилган назорат талаб даражасида эмас.

Халқ депутатлари Тошкент область Совети **қарор қилади:**

1. Халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг 1977 йилдаги иш фаолияти маъқуллансин.

Область Совети ижроия комитети, унинг бўлим ва бошқармаларига ташкилотчилик ишларини янада такомиллаштириш, интизомни мустаҳкамлаш, топширилган иш учун масъулиятни ошириш асосида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш топширилсин.

2. КПСС XXV съезди қарорлари, СССР Конституцияси, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР Олий Совети навбатдан ташқари еттинчи сессияси, Кремлдаги тантанали юбилей мажлиси, КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1977 йил) Пленумида қилган докладлари ва нутқларида баён этилган қонда ва хулосаларни амалга ошириш область, шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларининг энг муҳим вазифалари деб белгилансин. Шу мақсадда:

— касаба союз ва комсомол ташкилотлари билан биргаликда 1978 йил плани ва умуман беш йилликнинг муддатидан олдин бажариш юзасидан социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдиришга ҳар томонлама кўмаклашилсин, илғор ишчилар, бригадалар ва коллективларнинг СССР янги Конституцияси бир йиллиги нишонланадиган кун — 1978 йил 7 октябргача беш йиллиннинг уч йили топширигини муваффақиятли бажариш юзасидан бошлаган ташаббуслари ҳар томонлама кенг қулоч ёйдирилсин.

— капитал маблағлар самарадорлигини оширишга, қурилиш-монтаж ва пардозлаш ишлари сифатини яхшилашга эришилсин, объектлар қурилиши муддати мунтазам қисқартиб борилсин, лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот ташкилотларининг лойиҳа ва илмий-тадқиқот ишларини бажаришдаги масъулияти оширилсин;

— шаҳар ва районларни ободонлаштириш, товарақ-муҳитни муҳофаза этиш, аҳолининг меҳнат қилиши, хордиқ чиқариши ва дам олиши учун зарур шароитлар яратиб бериш юзасидан белгиланган тадбирларнинг тўла бажарилишига эришилсин;

— турар-жой биноларининг техник холати ва ўлардан фойдаланиш, маблағлар самарадорлигини ошириш, ремонт ишлари сифатини яхшилаш ва суръатини оширишга эришилсин;

— транспорт, алоқа янада ривожлантирилсин, савдо, умумий овқатланиш, коммунал, маиший ва медицина хизмати янада ривожлантирилсин, меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжи тўлароқ қондирилсин;

— КПСС XXV съезди талаблари асосида ўрта умумий таълимни янада такомиллаштириш тадбирлари кўрилсин, ўқув сифати оширилсин, ўқувчиларга билим бериш ва касб танлаш ишлари яхшилансин. Бунда асосий эътибор оммавий касбдаги ишчилар тайёрлашга қаратилсин. Корхоналар, ташкилотлар ва идораларнинг қисқартириб борилсин, лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот ташкилотларининг лойиҳа ва илмий-тадқиқот ишларини бажаришдаги масъулияти оширилсин;

— ташкилий-оммавий ишлар такомиллаштирилсин, бўлим ва бошқармалар фаолияти устидан доимий назорат ўрнатилсин, топширилган участкалардаги ишлар учун бўлим, бошқарма, корхона ва муассаса раҳбарларининг масъулияти оширилсин, партия, совет органлари директив ҳужжатлари ва ўз қарорларининг ижроси текшириб борилсин.

3. Халқ депутатлари область Совети доимий комиссиялари область халқ контроли комитетига партия ва ҳукумат, халқ депутатлари область Совети қабул қилаётган қарорларнинг ижроси устидан назоратни кучайтириш топширилсин.

4. Халқ депутатлари область Совети ҳар бир депутат СССР Конституцияси тақдим этган ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб, Советлар ва уларнинг органлари қабул қилган қарорлар, сайловчилар наказлари, меҳнаткашлар ариза ва шикоятларини бажаришга, Советлар фаолиятида актив иштирок этишга даъват этилган, деб ҳисоблайди.

Халқ депутатлари область Совети ишонч билдирадики, область халқ депутатлари Советлари область партия ташкилоти раҳбарлигида меҳнаткашларни КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитети декабрь (1977 йил) Пленуми қўйган улуғвор вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга сафарбар этадилар ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшадилар.

Тошкент область ижроия комитети раисининг ўринбосари
С. ТОШҚУЛОВ.

Тошкент область ижроия комитетининг секретари
А. НАЗАРОВ.

1977 йил, 26 декабрь.
Тошкент шаҳри.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ XVI ЧАҚИРИҚ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ III СЕССИЯСИ ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ 1978 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

1. Халқ депутатлари область Советининг ижроия комитети томонидан 1978 йил учун тақдим этилган областнинг маҳаллий бюджети план бюджет комиссияси, саноат комиссияси, капитал ва йўл қурилиш комиссияси, қишлоқ хўжалик комиссияси, транспорт ва алоқа комиссияси, савдо ва умумий овқатланиш комиссияси, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комиссияси, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш комиссияси, халқ маорифи комиссияси, соғлиқни сақлаш ҳамда социал таъминот комиссияси, шунингдек халқ депутатлари область советининг ёшлар билан ишлаш бўйича комиссияларининг тузатишларини ҳисобга олган ҳолда даромадлар бўйича 202671 минг сўм, ҳаражатлар бўйича 202671 минг сўм миқдоридаги маҳаллий бюджети тасдиқлансин.

2. Областнинг 1978 йилги маҳаллий бюджетида давлат ва кооператив корхоналарда ҳамда ташкилотлардан келадиган даромадлар — оборотдан тушадиган солиқ, ишлаб чиқариш фондлари учун тўланадиган ҳақ, фойданинг ишлатилмай ётган қолдиғи, фойддан ажратиладиган маблағ, даромад солиғи ва социалистик хўжаликдан келадиган бошқа даромадлар — жами 119472 минг сўм миқдорида белгилансин.

3. Областнинг 1978 йилги маҳаллий бюджетида халқ хўжалигини маблағ билан таъминлаш — қишлоқ хўжалигини, турар-жой, коммунал хўжалигини ва хўжаликнинг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш учун сарфланадиган ҳаражатлар 33482 минг сўм миқдорида белгилансин.

4. Областнинг 1978 йилги маҳаллий бюджетида социал-маданий тадбирлар — умумий таълим мактаблари, кутубхоналар, клублар, матбуот ва бошқа маданий-оқартув тадбирлари, касалхоналар, болалар яслилари, санаторийлар ва соғлиқни сақлаш ҳамда физкультуранинг бошқа муассасалари пенсия ва нафақалар учун ажратиладиган маблағ жами 162174 минг сўм миқдорида белгилансин.

5. Областнинг 1978 йилги маҳаллий бюджетида давлат бошқармаси органларини таъминламоқ учун ажратиладиган маблағ 2867 минг сўм миқдорида белгилансин.

6. Областнинг даромадлар ва ҳаражатлар бўйича 36896 минг сўм миқдоридаги 1978 йилги бюджети тасдиқлансин.

7. Область шаҳар ва районларининг 1978 йилги бюджети даромадлар ва ҳаражатлар бўйича жами 165775 минг сўм миқдорида белгилансин. Шу жумладан:

(Минг сўм ҳисобида)

Оққўрғон районга	5663
Оҳангарон районга	4552
Бекобод районга	6272
Бўстонлиқ районга	9161
Бўка районга	5785
Юқори Чирчиқ районга	9950
Калинин районга	7589
Қуйи Чирчиқ районга	6799
Оржоникидзе районга	8392
Пискент районга	5246
Ўрта Чирчиқ районга	9074
Тошкент районга	6688
Чиноз районга	5993
Янгийўл районга	6838
Олмалиқ шаҳри	11019
Ангрен шаҳри	18070
Оҳангарон шаҳри	1701
Бекобод шаҳри	10072
Чирчиқ шаҳри	15813
Янгиобод шаҳри	1492
Янгийўл шаҳри	9606

8. 1978 йилда Тошкент области шаҳар ва районларининг бюджетига умумиттифоқ давлат солиқлари ва даромадлари ҳисобидан маблағ ажратиш қуйидаги миқдорларда тасдиқлансин:

а) оборотдан тушадиган солиқдан — Калинин район бюджетига 93.4 процент, Оржоникидзе районига — 17,2 процент, Ўрта Чирчиқ районига — 26,8 процент, Чиноз районига — 33,6 процент, Олмалиқ шаҳрига — 8,5 процент, Оҳангарон шаҳрига — 20,7 процент, Бекобод шаҳрига — 80 процент, Чирчиқ шаҳрига — 67,9 процент, Янгийўл шаҳрига — 11,6 процент, Оққўрғон, Бекобод, Бўстонлиқ, Бўка, Юқори Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Пискент, Тошкент, Янгийўл районлари, Ангрен ва Янгиобод шаҳарлари бюджетига 100 процентдан;

б) Аҳолидан тушадиган даромад солиғидан Оржоникидзе области бюджетига 70 процент, Ўрта Чирчиқ районига — 60 процент, Олмалиқ шаҳрига 60 процент, Оҳангарон шаҳрига — 30 процент, Чирчиқ шаҳрига — 65 процент, Янгиобод шаҳрига — 53 процент, Оққўрғон, Оҳангарон, Бекобод, Бўстонлиқ, Бўка, Юқори Чирчиқ, Калинин, Қуйи Чирчиқ, Пискент, Тошкент, Чиноз, Янгийўл районлари, Ангрен, Бекобод ва Янгийўл шаҳарларининг бюджетига 100 процентдан;

в) Колхозлардан тушадиган даромад солиғидан Оққўрғон, Бўка, Юқори Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ районлари бюджетига 50 процентдан, Бекобод, Бўстонлиқ, Калинин, Оржоникидзе, Пискент, Ўрта Чирчиқ, Тошкент, Чиноз, Янгийўл районлари бюджетига 100 процентдан;

г) Қишлоқ хўжалигидан тушадиган ҳамда СССР граждаларидан бўйдоқлик, ёлғизлик ва бола чақаси камлик учун олинадиган солиқлардан, ўрмон даромади ва пул буюм лотереясидан тушадиган даромаддан ҳамма шаҳар ва районларнинг бюджетига 100 процентдан;

д) Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министрлиги ва «Узсельхозтехника» бирлашмаси корхоналари ва ташкилотларининг ишлаб чиқариш асосий фондлари учун тўловларидан ва нормалаштириладиган оборот маблағларидан Оҳангарон шаҳридан ташқари барча шаҳар ва районларнинг бюджетига 50 процентдан;

е) Оборотдан тушадиган солиқдан Янгийўл шаҳри бўйича 76 процент, область матлубот союзига қарашли Тошкент районлараро харид базаси бўйича ҳамда областга бўйсунувчи бошқа ташкилотлар бўйича 100 проценти область бюджети учун ажратилсин.

Колхозлардан тушадиган даромад солиғидан Оққўрғон районы бўйича, Бўка, Юқори Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ районлари бўйича 50 процентдан.

Аҳолидан тушадиган даромад солиғидан Оржоникидзе районы бўйича 30 процент, Ўрта Чирчиқ районы бўйича 40 процент, Олмалиқ шаҳри бўйича 40 процент, Оҳангарон шаҳри — 70 процент, Чирчиқ шаҳри — 35 процент ва Янгиобод шаҳри бўйича 48 процент область бюджети учун ажратилсин.

1978 йилда областни иқтисодий ва социал ривожлантириш планида кўзда тутилган тадбирларни молиялаштириш таъминлаш мақсадида область бюджетидан Ангрен шаҳри бюджетига 4675 минг сўм ажратилсин.

Матлубот кооперацияси ташкилотларининг чакана товар оборотига қараб, оборотдан тушадиган солиқдан районларнинг бюджетига қўшимча маблағлар ажратиш қуйидагича тасдиқлансин.

Чакана товар оборoти планига нисбатан процент ҳисобида:

Оққўрғон районига	1,1
Оҳангарон районига	25,3
Бекобод районига	3,9
Бўстонлиқ районига	5,7
Бўка районига	8,6
Юқори Чирчиқ районига	6,6
Қуйи Чирчиқ районига	3
Пискент районига	10,5
Тошкент районига	8,8
Янгийўл районига	6,9

9. Область бюджети бўйича 1979 йилнинг 1 январига ўтадиган бюджет маблағларининг қолдиқлари 700 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

10. Тошкент области шаҳар ва районларининг бюджетлари бўйича 1979 йилнинг 1 январига ўтаётган бюджет маблағларининг қолдиқлари 6500 минг сўм миқдорида белгилансин. Шу жумладан:

(Минг сўм ҳисобида)

Оққўрғон районы	270
Оҳангарон районы	230
Бекобод районы	300
Бўстонлиқ районы	430
Бўка районы	270
Юқори Чирчиқ районы	450
Калинин районы	330
Қуйи Чирчиқ районы	320
Оржоникидзе районы	380
Пискент районы	270
Ўрта Чирчиқ районы	420
Тошкент районы	290
Чиноз районы	280
Янгийўл районы	310
Олмалиқ шаҳри	340
Ангрен шаҳри	470
Оҳангарон шаҳри	50
Бекобод шаҳри	290
Чирчиқ шаҳри	440
Янгиобод шаҳри	50
Янгийўл шаҳри	310

11. 1978 йил маҳаллий бюджети юзасидан план-бюджет комиссияси, докладида ва бошқа доимий комиссиялар маслаҳатларида, депутатларнинг область Совети кенгашида билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни ўрганиб чиқиш ҳамда тегишли тадбирлар белгилаш халқ депутатлари Тошкент область Советининг ижроия комитетига топширилсин.

Тошкент область ижроия комитети раисининг ўринбосари
Ф. ЕҚУБОВ.

Тошкент область ижроия комитетининг секретари
А. НАЗАРОВ.

1977 йил, 26 декабрь.
Тошкент, шаҳри.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ XVI ЧАҚИРИҚ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ III СЕССИЯСИ ҚАРОРИ

ОБЛАСТЬ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИНИНГ 1976 ЙИЛДАГИ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН ҲИСОБОТНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқ депутатлари Тошкент область Совети **қарор қилади:**

Тошкент область маҳаллий бюджетининг 1976 йилда даромадлар бўйича 214378 минг сўм, ҳаражатлар бўйича 209456 минг сўм, даромадларнинг ҳаражатлардан 4922 минг сўм кўп миқдорда ижро этилганлиги тўғрисидаги ҳисобот тасдиқлансин.

Тошкент область ижроия комитети раисининг ўринбосари
Ф. ЕҚУБОВ.

Тошкент область ижроия комитетининг секретари
А. НАЗАРОВ.

1977 йил, 26 декабрь,
Тошкент шаҳри.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» почтасидан

ЯГОНА МАҚСАД ЙЎЛИДА

БАРЧА совет кишилари қаторн бирлашмамиз меҳнаткашлари ҳам Улуғ Октябрнинг 60 йиллик байрами шарафига бошланган умумхалқ мусобақасида актив қатнашиб, зиммаларига юклатилган вазифаларни бекаму-кўст адо этиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Натижада қўлга киритаётган ютуқларимиз қувонарли бўлаяпти.

Юбилей йилининг ўтган ўн бир ойи мобайнида 8 миллион 186 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бу планда белгиланганидан 240 минг сўм кўп демакдир. Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи эса 101,4 процентни ташкил этди. Шунингдек, қурилиш объектларига 210 миллион 400 минг дона пишиқ ғишт ва девор блоклари етказиб берилди.

Бу муваффақиятлар ўз-ўзидан қўлга киритилмаяпти, албатта. Барча заводларда социалистик мусобақани намунали ташкил этиш, унумдорликни ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархни арзонлаштириш, ички резервлардан оқилона фойдаланиш, тежамкорлик учун кураш авж олдириб юборилганлиги ютуқлар омили бўляпти.

Ҳозирги кунда бирлашмамиз ихтиёридаги 1-, 2-, 3-, 5-ҳамда Келесдаги 7-ғишт заводлари бошқармаларида 135 та бригада коллективи фидокорона меҳнат қиляпти. Ҳар бир бригада коллективи «Сафимизда бирорта ҳам қолоқ бўлмасин» деган шиор асосида ишлаяпти. Улар орасида беш йилликни 3,5—4 йилда бажаришга шахсий мажбурият олаётганларнинг сони тобора ортиб бормоқда.

САФИМИЗДА ҚОЛОҚЛАР БЎЛМАСИН!

Шуни қувонч билан айтиш керакки, коллективимизда ишбилармон, ташаббускор кишилар кўплаб топилади. 1-завод бошлиғи Владимир Крамаренко, 3-завод бошлиғи Икром Одилов, 4-завод бошлиғи Адҳам Усмонов, смена мастери Рая Богоутдиналар бипан ҳақли равишда фахрланамиз. Улар ўз корхоналарида ишни оқилона ташкил этаётганликлари туфайли сўръат ва сифат ошиб, давлат планлари муддатидан илгари бажарилянти.

Коллективимизнинг ой сайин қўлга киритаётган муваффақиятларида ишлаб чиқариш командирларидан И. Абдуллаев, Ҳ. Нишонов, У. Қорабоев, В. Абдурахмонова, В. Седухина, Й. Эшматов, Х. Қулбоев, И. Ахмедшин, Д. Газиевлар етакчилик қилаётган бригада аъзоларининг бажараётган ишлари таҳсинга сазовор. Улар ўзларига топширилган вазифаларни муваффақиятли бажариб, юбилей йили мусобақасида пешқадамлик қилмоқдалар.

Коллективимизда вақтдан ўзиб ишлаётган беш йиллик пешқадамлари кўпчиликни ташкил этади. Б. Хожиматов, В. Шамшурин, Л. Боброва, В. Рибаков, О. Абдуманнаев, М. Гиниятов, И. Бодрина каби меҳнатсеварларимиз 1978 йил ҳисобига маҳсулот топшириб, бирлашма шуҳратига шуҳрат қўшишяпти.

Бирлашмамиз аҳлининг юбилей йили режалари янада улкан. Азаматларимиз пойтахтимиз қурилишлари учун 221 миллион дона пишиқ ғишт, 5 миллион 600 минг дона девор блоклари етказиб беришга ахд қилишган. Шунингдек, йиллик маррани 27 декабрда бажариб, планга қўшимча яна 2 миллион 500 минг дона бинокорлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мажбурият олганмиз.

Ваъда вафоси билан гўзал, дейди халқимиз. Буни яхши ҳис қилган бирлашмамиз азаматлари қайси соҳада бўлмасин фидокорлик намуналарини кўрсатиб ишламоқдалар. Бунда коммунист ва комсомолларимиз карвонбошилик қилиб, ҳамкасбларига намуна бўлишяпти.

Шунингдек, бирлашмамиз бошқармалари, заводлари, сменалари, бригадалари ўртасида социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. Беллашув ғолибларини моддий ва маънавий рағбатлантириш тадбирлари ишлаб чиқилган. Шунинг учун ҳам ҳар бир коллектив бу мусобақада ғолиб чиқишга интилиб, кун сайин баракали меҳнат қилмоқда.

Шу кунларда бирлашмамиз ишчилари қўлга киритилаётган ютуқлардан илҳомланиб, юбилей йили меҳнат вахтасини қизғин давом эттирмоқдалар. Ҳеч шубҳа йўқки, коллективимиз зиммага олинган план ва мажбуриятларни шараф билан бажариш учун бутун куч ҳамда имкониятларини ишга соладилар.

Сиддиқ МУҲАМЕДОВ,
Тошкент қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.

МОҲИР УСТА

АЪЗАМ ака машинани тузатиб бўлиб четга чиқдида, энди битта папирос тутатган эди, бошқа бир ишчи рўпарасига келди:

— Станогим тўхтаб қолди.

— Қани юр-чи, — уста янги тутатган папиросини ўчириб ташлади-да, у билан станок ёнига кетди. Ўсқ-бўёғини қараб, бирпасда юргизиб юборди. Ишчининг чехрасида табассум балқиди.

— Зўрсиз-да, Аъзам ака, мен роса урундим, касалини тополмадим. Сиз эса бирпасда қойил қилдингиз, раҳмат.

Коммунист Аъзам Акромов Чирчиқ пойафзал фабрикаси коллективи ўртасида ҳурмат қозонган уста электрик. У мазкур корхонада ўн беш йилдан буён меҳнат қилади. Шу давр ичида ўз касбини пухта ўзлаштириб олган устоз даражасига кўтарилди. Ҳозирги кунларда И. Костирев, Д. Шалиев каби тажрибали электриклар Аъзам акани устоз дея ҳурмат қилишади. Коллективга яқинда келган Т. Ўрдабоев эса моҳир устадан бу касбнинг сирларини ўрганмоқда.

Фабрикада ўнлаб хилдаги юзлаб станоклар ва бошқа механизмлар бор. Уларнинг бенуқсон ишлашида, бирон жойи шикастланган заҳоти тезда сафга турғазишда Аъзам Акромовнинг ҳиссаси катта. Аъзам ака кўп йиллик фидокорона меҳнати эвазига «Шарафли меҳнати учун» медали билан тақдирланган. Яқинда эса бу тақдирномалар каторига Меҳнат Қизил Байроқ ордени қўшилди. Биз Аъзам акани юксак мукофот билан табриклаймиз.

Х. ЖАМОЛИДДИНОВА,
фабрика технологи.

ЛУНАЧАРСКОЕ шоссесида янги 9 қаватли бино қад кўтармоқда. 27-қурилиш бошқармасининг бунёдкорлари аҳолига янги турар-жой биносини тез ва сифатли топширишга ҳаракат қилмоқдалар. Бинонинг биринчи қаватида магазин, кафе ва бошқа турдаги маиший хизмат кўрсатиш муассасалари жойлашган. Суратларда қурилиш объектлари акс эттирилган.

В. Таран фотоси.

ЯНГИ ЙИЛ АРЧАСИ

Узоқ ўрмонлардан келган ям-яшил арча бугун ҳамма ерда азиз меҳмон. Янги йил элчиси йилда бир марта келади. Шунинг учун ҳам уни болалар, ширинтойлар ҳар гал орзиқиб кутишади. Ифга яп-роқчаларига турли-туман ўйинчоқлар, лампочка ва ойнароқчалар илинади. Бунда уларга катталар ёрдам беришади.

Бу анъана Собир Раҳимов районидаги 88-болалар боғча-яслисига ҳар йили катта қувонч, шодлик олиб келади. Мана бугун ҳам боғча-ясли залига катта арча ўрнатилган. Унинг чиройидан кичкинтойлар дилига қўпиқ қалқади, шаҳло кўзларида нур порлайди.

— Янги йил арча байрамига доим пухта ҳозирлик кўриб келамиз, — дейди боғча мудираси, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Мапират опа Алимхонова. — Чунки бу — болаларнинг энг севимли байрами. Улуғ юбилей бу йилги шодлик айёмига янада ажиб тароват бағишлади. Музика ўқитувчилари З. Акбарова ва М. Эшонхоновалар, методист А. Пўлатова, тарбиячилар Қ. Шукурова, Г. Хўжаева, Р. Ҳасанова, З. Умарбекова, Ж. Қулматова ва бошқалар раҳбарлигида ҳамма группаларда арча байрамига яхши ҳозирлик кўрилди. Болалар кўзи билан ҳар хил ўйинчоқлар, расмлар тайёрланди. Уларга куй, қўшиқлар ўргатилди.

Кўркамгина бино ичра болалар шўх кулгуси янграйди. Бугун боғчада арча байрами. Гўзалдан гўзал кийинишган қизча ва ўғилчалар арча атрофида давра қуришган. Қўпиқ тугаб, ўртага I—II группа тарбияланувчилари Дилафрўз ва Дилфузалар чиқишади. Улар Янги йил, Қорбобо ҳақидаги шеърларни ёддан бирон-бирон ўқиб беришади. Сўнг Мавжуда ва Наргизалар арча ёнига боришади. Феруза айтган «Ленин бобомлар» қўшиғи эса қувноқлар базмига янада файз киритади.

Залга совға-салом кўтариб Қорбобо кириб келади. У кичкинтойларни арча байрами билан қутлаб, совғалар улашади.

Боғчада Янги йил базми ана шундай дилхушлик билан ўтди.

А. ТАРТАУЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

БАХТИМИЗНИ МАДҲ ЭТАМИЗ

ХУМСОН қишлоғи гўзал табиат манзараларига бой. Бу ерда турли учрашувлар, тантаналн йиғинлар ўтказиб турилади. Яқинда мана шу қишлокда бир гуруҳ олим, шоир ва санъаткорлар билан учрашув ўтказилдй. Учрашувни филология фанлари доктори профессор Анвар Хожиаҳмедов олиб борди. Октябрь тенгдоши бўлган шоир Назарматов тўпланганларга Улуғ Ватан уруши хотираларидан сўзлаб берди.

Уруш қаҳрамонларидан бири Абдулла Пирматов оғир жанглар пайтида кўзи ожиз бўлиб қолишига қарамасдан ҳалок бўлган аёлнинг фарзандини қутқаргани ҳақидаги ҳикояси ёшларни ҳаяжонга солди. Шоир шу ҳақда ёзган достонидан парча ва СССР янги Конституциясига бағишланган «Давримиз мадҳияси» номли шеърини ўқиб берди. Ёш шоир Эргаш Муҳаммад ўқиган партия, Ватан ва муҳаббат ҳақидаги шеърлар қарсаклар билан кутиб олинди.

Учрашув сўнгида Тошкент Давлат университетининг «Лола» бадиий ҳаваскорлик ансамбли ижросида музикали композиция намойиш қилинди.

Тошкент область партия комитети ва область «Билим» жамияти ташаббуси билан ўтказилаётган мана шундай тадбирлар кишиларимизни эстетик жиҳатдан тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда.

Ж. МУМИНОВ,
«Билим» жамияти аъзоси.

ШУКРОНА

ВЕТЕРАН ХОТИРАЛАРИ

Бутун онгли ҳаётини маориф, таълим-тарбия ишларига бағишлаган табаррук кишиларимиз кўп. Шулардан бири Акбар Аъзамовдир.

У 1902 йили хизматчи оиласида дунёга келди. Уч яшарлигида онаси вафот этди. Отаси чала савод, лекин ўқишга иштиёқманд одам эди. Шунинг учун Акбарни етти ёшида Тошкентнинг Ғиштқўприк маҳалласидаги Маҳамат Саид домланинг мактабига берди. (Бу мактаб жойлашган ер ҳозирги Аброр Ҳидоятов номли 14-ўрта мактаб ҳовлисининг бир бурчагига тўғри келади).

Уша даврда «яхши» ҳисобланган бу мактаб бўйи 12 метр, эни 5 метр, уч деразали пастак хонадан иборат эди. Деразаларда ойна ўрнида қоғоз тутилган, шамолда йиртилмасин ва ёруғ бироз кўпроқ тушсин, деб қоғозларга зиғир ёғ суртиб турилади. Маълумки, зиғир ёғ ҳам болаларга солма қилиб топиларди. Бу хонада (ҳозир буни мактаб дейиш ҳам, синф дейиш ҳам амри маҳол) 100 бола ўқиган. «Домла болаларни зах ерда ги тўзиб кетган эски бўйрага зич жойлаб, эрталаб соат 9 дан асрга ча ўқитарди, — деб эслайди Акбар Аъзамов, — орада уйга бориб келиш учун бир соатлик танаффус бўларди. Шу мактабда 3 йил ўтириб оёқдан ажрала ёздик, аммо саводдан дарак йўқ. Ҳозирги кунда эса болалар тўрт ойда алифбени тамомлаб, савод чиқаради, ёзишни ҳам, ўқишни ҳам, шу билан бирга ҳисоб, ҳусни хат, расм каби қатор фанларни ҳам ўрганади. Бизники эса тамом бошқача эди, болалар 7 йил, азондан кечгача ўтириб, фақат битта китобни қуруқ ёд олардилар. Ўқиш ва ўқитиш методларини айтмаса ҳам бўлади. Булар ҳаммага Садриддин Айний ва Ойбекларнинг китобларидан таниш бўлган ўша «эски мактаб»лардан эди».

Акбарнинг саводини кўриб, қониқмаган ота уни 1910 йилда Ҳадрадаги рус-тузем мактабига берди. 1916 йилда А. Аъзамов бу мактабни тамомлаб, тўлиқсиз ўрта маълумот олди. Акбар Аъзамов ўтган кунларини эслаб яна бундай дейди: «Одамлардек яшаш учун бирор ҳунар ёки илмни эгаллашим керак эди. Тирикчилик қилиш учун менда ҳунар йўқ, илмим ҳам етарли эмасди. Отам мени «Ҳожа Аҳрор» мадрасасига беради. Лекин, мадрасада икки йил юриб, «Кофия» китобидан араб сарф ва наҳвинигина ўргандим, холос. Олдимда тирикчилик қилиш муаммоси турарди. Маълумотли бўлганим билан мактаблар йўқ. Нима иш қилиш керак? Бу муаммо менга келгуси ҳаётимнинг оғир қийинчиликларини рўй-рост кўрсатиб турарди».

Шу даврда зулмат ичра нур таралди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилди. Шу даврдан бошлаб Акбарнинг ҳаётида туб бурилиш ясалди. Ўзбек халқининг 95 фоизи саводсиз эди. Давлат олдида эса бутун халқни саводли қилишдек жуда катта вазифа турарди. Мактаблар очила бошлади. Мактабларни ўқитувчилар билан таъминлаш керак эди. Ҳадрадаги рус-тузем мактабини битирган ёшларни тўплаб, улар учун 8 ойлик таълим-тарбия курсини очдилар. Акбар бу курсни тамомлаб, 1919 йилдан Себзор даҳасидаги Улуғбек номли 7-мактабда бошланғич синфларга дарс бера бошлади. 4—5 йил ўтгач юқори синфларга ўқитувчилар топилмай қолди. Ёшлар учун 6 ойлик янги курслар очилди. Бунда юқори синфлар учун айрим предметлардан дарс берадиган ўқитувчилар тайёрланарди. Акбар математика ихтисослиги бўйича педагоглик фаолиятини давом эттирди.

Уша вақтда Акбарга Т. Н. Қори-Ниёзийнинг «Математикадан методик қўлланма» асари катта фойда берган эди. Китоб ўзбек тилида бўлиб, мустақил ўрганишга жуда қулай эди. А. Аъзамов худди мактаб ўқувчиси каби бу асарни кечқурун ўқиб, ўрганарди-да, эртасига болаларга ўргатарди. Шу тарика ўқиш ва ўқитиш давом этди.

1924—1925 йилларда саводсизликка қарши кураш бошланди. Акбарга ўша вақтда Островский номли пионерлар саройи ёнидаги 5-тегирмон ишчиларини ўқитиш вазифаси топширилди. Бу ерда у уч йил давомида ҳар куни мактабдаги кундузги ишлардан ташқари кечқурунлари ишчиларнинг саводини чиқарарди.

1930-йилларда колхоз тузиш кенг кўламда авж олди. Қишлоққа турли хил мутахассислар жуда зарур эди. Шу мақсадда жумладан Шўртепада пахтачиликка техникуми очилди. Акбар Аъзамов мактабда ишлаш билан бирга бу техникумда ҳам дарс бера бошлади. Мазкур техникумга районлардан 700 киши жалб қилинганди. Ҳар йили қишлоққа 300 агротехник мутахассис тайёрлаб берила бошланди.

А. Аъзамов 1935 йили Низомий номли педагогика институтининг кечки бўлимига ўқишга кириб, уни 1941 йилда тамомлади. Оғир уруш йилларида ўқиш ва ўқитиш ишлари оғир шароитда давом этди. Урушдан кейинги йилларда Акбар Аъзамов Октябрь районидаги Навоий номли 40-ўрта мактабда ишлади, 1967 йилда ҳурмат-иззат билан пенсияга узатилди.

Акбар Аъзамовнинг ярим асрлик фаолияти даврида минглаб кадрлар тайёрланди, халқимиз тўла саводхон бўлди. Қишлоқларимиз мутахассис кадрлар билан таъминланди. Олий ўқув юртларининг эшиклари абитуриентлар билан тўлди. Шундай улкан ишларда кадрлар тайёрлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшганлиги билан А. Аъзамов фахрланса арзийди. Унинг қўлида тарбия топган ўқувчилар ҳозир халқ хўжалигининг турли соҳаларида хизмат қилмоқда. Улар ичида академик Саидкарим Зиёдуллаев, марҳум олим Музаффар Ҳомидхонов, республика молия министри Вали Муродхўжаев каби давлат ва фан арбоблари, юзлаб врач, педагог, агроном, артист, доцент ва профессорлар бор.

А. Аъзамовнинг педагогика ва жамоат ишларидаги хизматларини партия ва ҳукуматимиз юқори баҳолаб, уни 3 марта Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Фахрий ёрлиғи», «Халқ маорифи аълочиси» нишони, бир қанча медаллар ва «Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвони билан тақдирлади. А. Аъзамовни ўша қоронғи, мудхиш ҳаётдан ёруғ кунга, фаровон турмушга социалистик революция олиб чиқиб, шундай ҳурмат ва эътиборга сазовор қилди.

А. Аъзамов ўз ҳаётини мактаб ўқувчиларисиз тасаввур қила олмайди. Ҳозир пенсияга чиққан бўлишига қарамай, жонажон мактаби билан маҳкам боғланган. Бир вақтлар ўзи ишлаган, ўғиллари ва қизи ўқиган мактабда ҳозир неваралари ўқишяпти. Бобо уларнинг ўқишларидан тез-тез хабар олиб, ўқиш-ўқитиш ишларининг илгарилаб, пухталашиб кетаётганини кўриб қувонади.

«Ҳаёт йўлимда учраган барча қийинчиликларни енгишда менга раҳнамо бўлган партия ва ҳукуматимизга, халқимга чексиз миннатдорлигимни билдириб, ҳаётимга шукроналар айтаман» дейди Акбар Аъзамов. Биз уни қутлуғ 75 ёши билан муборакбод этиб, сиҳатсаломатлик ва узоқ умр тилаймиз.

Лазиз АЗИЗЗОДА,
шарқшунос.

Турли касб эгалари

МЕХАНИК

Исроилжон йигирма йил машина бошқарди. Бу давр ичида у юз минглаб километр масофаларни босиб ўтди. Турли маркали юк ташиш машиналарида юз минглаб тонна халқ хўжалик юкларини зарур жойларга етказиб берди. Езнинг жазирама иссиғида ҳам, қишнинг қаҳратон изғиринида ҳам зиммасидаги топшириқларни ўз муддатида адо этиб, коллективнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди. Республикамизнинг деярли барча шаҳарларини, кўплаб район ва қишлоқларини машинада кезиб чиқди.

Шундай сафарларнинг биридан қайтганида автоколонна директори уни чақиртириб қолди. Кабинетига кирса, у ерда автокорхона партия комитетининг секретари ва маҳаллий комитет раиси ҳам ўтиришибди.

— Сиз узоқ йил аварияси-з ишлаб юксак маҳоратингизни намойиш қилдингиз, — деди директор ганин узоқдан бошлаб. — Бунинг устига биринчи класс шоферисиз. Машинани бошқаришни ҳам, ремонт қилишни ҳам ўрнига қўясиз. Ўзингизга маълум, автоколоннамизга йил сайин янги-янги ҳайдовчи кадрлар келиб қўшиляпти. Уларнинг асосий қисми ёшлардан иборат. Кечагина шоферлик курсини тугатиб келиб, бугун дарров мустақил ишлаётганларидан



Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри коллективи В. Дельмар асари асосида саҳналаштирган «Ғарблар» спектакли томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинди. Суратларда: (чапдан ўнгга) Катта ўғил хотини (ролда Я. Абдуллаева) билан Катта ўғил (ролда Ё. Аҳмедов), дўкондор (ролда А. Турдиев) билан Ота (ролда Н. Раҳимов), Кичик ўғил (ролда М. Азимов) билан Она (ролда С. Эшонтўраева).

С. МАҲКАМОВ фотолари.

ЖУРНАЛИСТЛАРГА МУКОФОТЛАР

Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг секретариати Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган ва «Шонли Советлар мамлакатининг кишилари» шиори остида ўтган республика конкурсини якунлади.

Биринчи мукофот «Правда Востока» газетасининг ходимлари А. Забровский, В. Смуглов, Т. Каплинская, И. Рогов ва К. Яковлевага берилди.

«Совет Ўзбекистони» газетасининг ўз мухбирлари Ф. Зоҳидов ва Т. Назиров «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетасининг мухбири В. Зименко иккинчи мукофотларга сазовор бўлдилар.

Учинчи мукофотлар радио журналисти Л. Михайловага, «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газета редакциясининг бир группа журналистлари — В. Чеботин, Р. Тэлп, А. Ниёзов, В. Стулинга, Ўзбекистон информация агентлигининг мухбири А. Барановга бериладиган бўлди.

Қишлоқнинг турмуш маданияти ривожланишини тасвирловчи энг яхши фотосуратларининг ижодий конкурсига якун ясалди.

Биринчи мукофотлар фото мухбирлардан Н. Муҳаммаджонова («Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда»), А. Абалянга («Тошкент ҳақиқати») берилди;

Фото журналистлар А. Тўраев («Совет Ўзбекистони»), Т. Каримов («Комсомолец Узбекистана»), Р. Шамсиддинов, (Ўзбекистон информация агентлиги) иккинчи мукофотларга, Т. Собиров (Ургут район газетаси), А. Мальцев («Ташкентская правда»), А. Авазов (Ўзбекистон информация агентлиги), М. Қораболев (Бекобод район газетаси) учинчи мукофотларга сазовор бўлдилар.

Ўзбекистоннинг ўн уч журналисти Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган «Интерфото-77» халқаро фото виставканинг медаллари ва дипломлари билан мукофотландилар. Улар орасида А. Абалян, А. Авазов, К. Отаев, А. Варфоломеев, Р. Жуманиёзов, И. Збарский, Н. Ключнев, Т. Перменев, В. Сваричевский, К. Тошпўлатов, С. Чижиков, Х. Хайдаров, И. Хўжаев бор.

МОҲИР ҚЎЛЛАР

ЯНГИЙЎЛ районидаги Собир Раҳимов номли пионерлар уйи мактаб ўқувчиларининг энг севимли ерига айланиб қолган. Бу ерда ёшлар ўзларини қизиқтирган тўгаракларга қатнашмоқдалар.

Пионерлар уйида ҳозир ўнга яқин тўгарак ишлаб турибди. Уларда 700 дан зиёд ўқувчилар ҳунар ўрганишяпти. Бу тўгараклар орасида айниқса қизларнинг бадиий тўқиш секцияси машғулотлари қизиқарли ўтади. Дилбар Соипова бошчилик қиладиган бу тўгаракда юздан ортиқ ўқувчилар тўқиш сирларини ўрганмоқдалар. М. Нурматова, М. Қўчқорова ва бошқа тўгарак аъзолари тўқишни яхши ўрганиб олдилар.

Фото, радио техника, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлаётган ёшлар ҳам қизиқарли ўтади.

А. АКБАРОВ.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ҚАРДОШЛАРЧА ЎЗАРО ЁРДАМ ҚУДРАТИ

30 ДЕКАБРЬ — РУМИНИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН КУН

Румин халқи ўзининг катта байрами — республика эълон қилинган кунининг 30 йиллигини социалистик қурилиш йўлида янги меҳнат ютуқлари билан кутиб олмоқда.

Бу ютуқлар шонли саноқ арафасида Бухарестда бўлиб ўтган Руминия Коммунистик партиясининг миллий конференциясида қайд қилинди. Конференцияда муҳокама қилинган асосий масалалардан бири олтинчи беш йиллик планлари бажарилишининг бориши ва халқ хўжалигини ривожлантиришнинг кейинги уч йилидаги муҳим вазифалари бўлди.

Беш йилликнинг дастлабки икки йили ичида Руминия саноат маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиши пландаги 10 процент ўрнига 11,6 процентни ташкил этди. Саноатнинг асосий тармоқлари — бир мунча юксак сифатли ва машинасозлик 13 процент, химия саноати қарийб 14, қурилиш материаллари индустрияси 19 процентдан зиёд суръат билан ўсмоқда. Ўтган даврда ичида мамлакат иқтисодий картасида мингдан ортиқ янги ишлаб чиқариш объектлари пайдо бўлди.

Бу юксак кўрсаткичлар заминида румин ишчилари, инженерлари, техникларининг фидокорона меҳнати ва ғайрат-шижоати, партия, касаба союз ва ёшлар ташкилотларининг катта ишлари ётипти. Беш йилликнинг зарбдор маромига ҳатто 4 мартдаги кучли зилзила ҳам халақит бера олмади. Шикастланган корхоналар ўнгўрт ой ўтибоқ тўла қувват билан ишлаб кетди. Бугина эмас, беш йилликнинг дастлабки икки йили ичида мамлакат ишлаб чиқариш коллективлари 38 миллиард лей миқдорида қўшимча маҳсулот бердилар.

Руминия Социалистик Республикасининг иқтисодий тараққиётдаги ютуқлари мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотида актив иштирок этаётганлиги ва биринчи галда қардош социалистик давлатлар билан ҳамкорлик қилаётганлиги туфайлидир. Ўз миқёслари ва ҳажми жиҳатдан бу ҳамкорликда Совет Иттифоқи етакчи ўринни эгаллайди.

Узоқ Иқтисодий Ёрдам кенгашига аъзо мамлакатлар социалистик иқтисодий интеграциясининг Комплекс программаси доирасида Руминия СССР территориясида Усть-Илим целлюлоза ва Киембаевский асбест комбинатларини қуришда, ферросплав ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, Орэнбург газ конденсати конларини ўзлаштиришда қатнашмоқда. Буларнинг ҳаммаси жадал тараққий этаётган Руминия экономикаси эҳтиёжлари учун қимматбаҳо хом ашё турларини етказиб беришни кўпайтириш имконини беради.

СССРнинг техникавий ҳамкорлиги билан мамлакатда қурилган ва саноатнинг асосий тармоқларини ташкил этадиган қарийб 100 та иқтисодий объект Руминия беш йиллигига хизмат қилмоқда. Ана шу объектлар Руминия Социалистик Республикаси ишлаб чиқараётган электр энергиясининг 60 процентини, синтетик каучуқнинг ҳаммасини, кокс ва ўғитларнинг 60 процентини, пўлат трубаларнинг ярмини бермоқда, Бухарестда қад кўтараётган ҳар беш квартиранинг бирини қуриб бармоқда...

Ҳозирги беш йилликда иш бошлаган корхоналар орасида совет-румин ҳамкорлиги объекти бўлган кўпгина корхоналар бор. Мана улардан айримлари: йилига бир миллион тонна пўлат берадиган Тирговиштадаги махсус пўлат заводи, Георгиу-Деждаги синтетик каучук заводи, румин ферросплав индустриясининг тўнғичи Тулчадаги корхона... Ишга туширилган иссиқлик электростанцияларининг қувватлари анча кўпайтирилди. Бундай электростанциялардан бири мамлакатдаги энг йирик ҳисобланадиган «Дева» ТЭСидир.

Бу беш йилликда бир қанча йирик саноат объектлари қурилиши бошланди. Ана шу объектлардан бири Кэлэраш металлургия комбинатидир. У мамлакатнинг бешинчи «олов қалъаси» бўлади. Гарчи у бешинчи бўлса ҳам аҳамияти жиҳатдан олдинда туради. У йилига 10 миллион тонна пўлат эритиб бера олади. Бу ҳозир бутун Руминияда эритилаётган пўлатга тенгдир. Мазкур гигант учун ускуналарнинг асосий кўпчилиги Совет Иттифоқидан келтирилади. Агрегатларнинг бир қисми совет чизмалари бўйича Руминия заводларида тайёрланади. Бу икки давлат металлурглари ҳамкорлигида янгиликдир. Матбуот конференциялеридан бирида Руминия Социалистик Республикаси металлургия министри Н. Агаки бундай деди:

— Руминияда совет ускуналари ўрнатилмаган биронта металлургия объекти йўқ. Бу беш йилликда мазкур тармоқ СССР билан ҳамкорлик туфайли ривожланади...

Ҳозирги вақтда Руминияда Совет Иттифоқининг техникавий кўмаги билан беш йиллик девомида қирққа яқин корхона қурилмоқда ёки қурилиши мўлжаллаб қўйилган. Улар орасида юқори босим полиэтилени, каустик сода ва синтетик каучук ишлаб чиқарадиган йирик замонавий заводлар. Аджуд, Бакэу ва Сучавадаги целлюлоза-қоғоз комбинатлари, «Интерспутник» станцияси бор. Ҳедемай мамлакатда, биринчи атом электр станцияси қурилиши бошланади. Бу корхоналарнинг қўллари 1980 йилда иш бошлайди.

В. САМОШКИН,
АПН махсус мухбири.
БУХАРЕСТ.

ТОШКЕНТ МЕТРОСИ ТЎҒРИСИДА АМЕРИКА ЖУРНАЛИСТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

● ВАШИНГТОН, 28 декабрь. (ТАСС). Яқинда СССР бўйлаб сафар қилган Америка журналисти Дэн Фишер Совет Иттифоқи бугунги кунда мамлакатнинг 7 шаҳрида ишлаб турган метроси билан машҳур, деб ёзди.

Тошкент шу қулай транспорт турига эга бақтиёр шаҳарлардан бири бўлди. Шаҳар аҳолиси бу ерда Октябрнинг 60 йиллиги арафасида ишга туширилган метро хизматидан ҳар куни фойдаланиб турибди.

Автор Тошкент метроси архитектурасининг ўзига хослигини таъкидлайди. Станция заллари кенг ва тоза, поездлар қулай ва тез юради. Дэн Фишер метродан фойдаланиш ҳақи «хаддан ташқари арзонлигини», у Америка Қўшма Штатларидагидан қарийб ўн баравар арзонлигини ёзади.

Америка журналисти Тошкентда 9 та станция қурилганлигига ва шаҳар мамлакатнинг сейсмологик нуқтаи назаридан энг актив районларидан бирида бўлганлигига қарамай яна учта станцияни қуриш ишлари олиб борилаётганлигига эътиборни жалб қилади.

Д. Фишер яна қуйидагиларни ёзади: тез-тез бўлиб турадиган зилзила, хавфини йўқотиш учун Тошкент метросини қуришда «сузадиган» равоқ деб аталмиш равоқ вужудга келтириш оригинал идеяси қўлланган. Бундай равоқ ернинг анчагина тебранишларини сўндиришга имкон беради ва умуман конструкцияга бирон салбий таъсир кўрсатмайди.

Метро биринчи навбати ишга туширилганидан кейин бир ой ўтар-ўтмас шаҳарда қаттиқ зилзила бўлди, деб ёзади автор. Шу вақтда метрода бўлган тошкентликлар ундан чиқиб кетганларидан кейингина зилзила бўлганлигини билдилар, дейди у.

Бугунги кунда, деб ёзади Д. Фишер, Тошкентдан ташқари Москва, Ленинград, Киев, Боку, Харьков ва Тбилисида метро яхши ишлаб турибди. Горький, Минскда ва СССРнинг бошқа бир қанча шаҳарларида метро қуриш лойиҳалари тасдиқланди.

Дунёнинг ҳамма чеккаларидан экспертлар Совет Иттифоқига келиб, унинг ер ости трассаларини қуришда эришган бой тажрибалари билан танишмоқдалар, деб ёзади журналист.

Л. БУЗ.

Ҳиндистонда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишланган совет маданияти ва санъати фестивали катта муваффақият билан ўтди. Суратда: львовлик УССРда хизмат кўрсатган рақс ансамбли ҳамда кишиневлик халқ фольклор рақс ансамбли артистлари ўз санъатларини намойиш этмоқдалар.

В. ДУБИЛ ва И. ЗОТИН фотоси.

(ТАСС фотохроникаси).

Спорт

МАВСУМ ЛАУРЕАТЛАРИ

СССР спорт журналистлари федерацияси анъанага кўра ўтган мавсумнинг энг яхши ўн спортчисини маълум қилди. Рўйхатда биринчи бўлиб запорожьелик енгил атлетикачи В. Яшченконинг фамилияси турибди. Ўн саккиз ёшли бу спортчи баландликка сакрашда 2 метр 33 сантиметр натижа кўрсатиб, жаҳонинг энг ёш рекордчиси деган номни олди.

Огир атлетикачи Василий Алексеев ҳам лауреатлар рўйхатидан яна ўрин олган. Бадиий гимнастика бўйича СССР мутлақ чемпиони ирина Дерюгина, таниқли гимнаст Николай Андрианов ҳам ўтган спорт йилининг энг яхши вакиллари сифатида тилга олиндилар. Шунингдек, фигурали учиш усталари Ирина Роднина билан Александр Зайцев, конькичи Вера Бриндзей, жаҳон чемпиони Анатолий Карпов, ўн олти ёшли мамлакат мутлақ чемпиони гимнастикачи Мария Филатова, велосипед пойгачиси Аво Пиккуус ва сузувчи Юлия Богдановалар ҳам лауреат номига сазовор бўлдилар.

●

МАЙДОНДА ВОЛЕЙБОЛЧИЛАР

Тошкентда волейбол бўйича олий лига командалари ўртасидаги мамлакат чемпионати давом этмоқда. Навбатдаги турда ҳамшаҳарларимиз Тошкентнинг «Автомобилист» командаси қизлари Москва темирйўлчилари билан учрашдилар. Бунда уччала партияда ҳам тошкентликларнинг қўллари баланд келди ва 3:0 ҳисобида ғалабага эришдилар.

Пешқадамлик қилаётган Москва динамочилари мамлакат пойтахт областининг МОПИ клуби волейболчилари билан учрашиб, 3:1 ҳисобида устун келдилар. Ворошиловград «Искра» командаси Киев физкультура институти спорт клубини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Ригадаги командалар ўйинида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Спартак» (Л) — «Нефтчи» — 3:0, «Кировец» (Новосибирск) — ЦСКА — 1:3, «Уралочка» (Свердловск)— «Аврора» (Рига) — 0:3.

Қозоғистон пойтахтида биринчи лига эркаклар командалари ўртасидаги мамлакат чемпионатига якун ясалмоқда. Тошкентнинг «Динамо» командаси ўйинларни анча муваффақиятли бошлаганди. Ҳамшаҳарларимиз дастлабки тўрт учрашувда Душанбанинг «Хосилот», Ереваннинг «Армсельхозтехника», Тбилисининг «Спартак» командалари устидан 3:0, Шевченконинг «Каспий» командаси устидан 3:1 ҳисобида ғолиб чиқишганди. Лекин майдон эгалари Олмаотанинг «Дорожник» волейболчилари билан бўлган ўйинда уларга 2:3 ҳисобида ютқазиб қўйдилар. Шундай қилиб, мусобақалар тугашига бир тур қолганда ҳамшаҳарларимиз тўрт очко билан иккинчи ўринда боришяпти. Кеча улар ўзлари каби тўрт очко тўплаган Грознийнинг «Автомобилист» командаси билан учрашдилар.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

УЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

1 январь соат 13.00 да

ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Узбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ҚИЗЛАРХОН ДУСТМУҲАМЕДОВА.

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, ҚҚАССР халқ артисти

ГУЛШОД ОТАБОЕВА.

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Мўътабар ИУЛДОШЕВА, Шариф СУЛТОНОВ, Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Баҳром МАВЛОНОВ;

солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Абдуқодир ЮСУПОВ, Ойхон ЕҚУБОВА, Зуҳра ҒОЗИЕВА, Собир МАҲКАМОВ (оригинал жанр);

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ УЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ «ГУЗАЛ» ВА «ЎЗБЕКИС ТОН ГУЛЛАРИ» АНСАМБЛЛАРИ

«ГУЗАЛ» ансамблининг бадиий раҳбари—композитор Султон АКБАРОВ.

Музика раҳбари — Туйғун ОТАБОЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ГУЛЛАРИ» ансамблининг бадиий раҳбари—Узбекистон ССР халқ артисти Муҳаммаджон МИРЗАЕВ.

Музика раҳбари — Азиз МУЛЛАХОНОВ.

Программани — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖИАЪЛОЕВ ва Светлана ТАГИРОВАлар олиб борадилар.

Филармониянинг бадиий раҳбари — Бутуниттифоқ ва Узбекистон Ленин комсомоли мукофотларининг лауреати, композитор Мирсодиқ ТОЖИЕВ.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан, шанба ва якшанба кунлари соат 10.00 дан сотилади.

УЗБЕКИСТОН ССР САВДО МИНИСТРЛИГИНИНГ ТОШКЕНТ ҲУНАР-САВДО БИЛИМ ЮРТИ 1978 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти баққоллик — кондитер, гастрономия, гўшт-балиқ, сут маҳсулотлари, газламалар, тикув буюмлари, пойафзаллар, трикотаж, галантерея, парфюмерия, маданий-маиший ва ҳужалик молларининг юқори малакали сотувчиларини, сотувчи-консультантларини ва сотувчи-контролёр-кассирларини тайёрлайди.

МАШҒУЛОТЛАР 2 ЯНВАРДАН БОШЛАНАДИ.
ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 ЙИЛ.

Билим юртига Узбекистон шаҳарларида яшайдиган 20 ёшгача (ҳамда Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматини ўтаб қайтган 23 ёшгача) бўлган 8, 9, 10-синф ҳажмида маълумотлилар кириш имтиҳонларсиз қабул қилинади.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАРГА «КИЧИК СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ-КОНСУЛЬТАНТ», «СОТУВЧИ-КОНТРОЛЕР-КАССИР» ДЕГАН МАЛАКА УНВОНИ БЕРИЛАДИ.

Ўқувчиларга 32 сўмдан стипендия берилади, етим қолган болаларга ва Улуғ Ватан урушининг I, II группа инвалидларининг болаларига 41 сўмдан стипендия берилади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳридаги илғор магазинларда: Бош универмаг ва «Гастроном» республика конторасига қарашли йирик магазинларда ўтказилади.

ЎҚИШ МУДДАТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома (асли), туғилганлиги тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржиман ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см., катталикдаги 3 дона фотосурат, савдо бўли мининг йўлланмаси.

Билим юртининг адреси: Тошкент-86, «Оқтепа» массиви, «Самарқанд дарвоза» кўчаси, 60-уй (4, 9, 11, 19-трамвайлар, 29, 32, 34, 36, 43, 70, 74-автобусларнинг «Оқтепа» бекати).

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Янгиликлар. 9.10 — Гимнастика. 9.30 — Мультфильм. 10.20 — Чанғи спорти бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари. 19.55 — Фильм-концерт. 15.00 — СССР ташкил топганлигининг 55 йиллигига. Жонажон мамлакатимиз бўйлаб (кинопрограмма). 16.00— «Катта трамплин» (бадиий фильм). 17.15 — Москва янги йил арафасида. 17.45—«Горнчилар, қаердасиз!». 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Расмларда қўёш акси бор. 19.00— Концерт. 19.55 — Телевизион бадиий фильм. 21.30—«Вақт». 22.00 — Хоккей бўйича халқаро учрашувлар. ВХА «ВИННИПЕГ ДЖЕТС» — СССР терма командаси. Японияда олиб кўрсатилади. 23.50 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Мультфильм. 11.15 — Музикаль кўрсатув. 11.50 — Ҳужжатли фильм. 12.15 — «Оцеола» (бадиий фильм). 18.00 — Мультфильм. 18.20— «Ешлик». 18.50 — Концерт. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Тошкент байрам арафасида. 19.50 — Янги йил мушоираси. 20.50 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — «Омадли жентельменлар» (кинокомедия).

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 30|XII да **Золушка** (12.00). **Масхарабозлар** (19.00). 31|XII да **Спартак** (12.00). **Чио-Чио-Сан** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30|XII да **Келинлар қўзғолони.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 30|XII да **Хотинимнинг эри.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 30|XII да **Корчалонлар.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Цирида арча. ҚОРБОБОНИНГ ЯНГИ ЙИЛ САРГУЗАШТЛАРИ** (10, 13, 16, 19.30).

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — **Жаҳон бўйлаб 80 кун** (катта зал, кундуз ва кечқурун).

Таҳаллуси Лукач — «ҚОЗОҒИСТОН» (12, 14, 16, 18.00), «ВОСТОК», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Муҳаббат билан — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Сиёвуш ҳақида қисса — Г. ГУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун).

Зиддиятли муҳаббат — «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Умид — «ҚОЗОҒИСТОН» (12.00).

Узоқ-яқин йиллар — «ЯНГИОБОД» (кундуз ва кечқурун).

Бормисан, марказий ҳужумчи! — «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 13, 15, 17, 19, 21.00).

Қандайдир маҳлуқ, ҳамда болалар самокати ҳақида (кундузи). **Афоня** (кечқурун) — «ПИОНЕР».

Балоғатга етмаган ёшлар — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

72 даражали қаҳратон қиш — «МОСКВА» (12, 14, 16, 18, 19.30, 21.00).

Нукининг саргузашти, Мультфильмлар тўплами — «ТИНЧЛИК» (12.30, 15.30, 18.30, 21.00).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета народных депутатов.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача.
Эълонлар — 338142.

Р— 14745 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. 1764